

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

3-2021

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

**Муассис:** Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

---

#### Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир**  
**Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.  
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)  
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)  
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)  
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)  
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)  
LEEDONG WOOK. (ЖанубийКорея)  
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)  
КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)  
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)  
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)  
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)  
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)  
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

---

#### Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)  
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)  
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)  
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)  
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)  
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)  
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)  
ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)  
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)  
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)  
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)  
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)  
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)  
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)  
СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)  
МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)  
ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)  
МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)  
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)  
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)  
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)  
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)  
ҒОФУРОВ А. (Ўзбекистон)  
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)  
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)  
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)  
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)  
УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)  
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)  
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)  
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)  
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

---

**Муҳаррирлар:** Ташматова Т.  
Жўрабоева Г.

**Мусахҳиҳ:** Шералиева Ж.

#### Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.  
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60  
Сайт: www.fdu.uz

---

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

---

**Фарғона,  
2021.**

<b>Н.Матхошимов, Э.Исаков</b> Фарғона вилояти меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг бирламчи ногиронлиги сабаблари структураси.....	203
<b>А.Шерматов, А.Юсупова</b> Ўқувчиларнинг математика фанидан типик хатолари ва уларни бартараф этишнинг баъзи йўллари.....	210
<b>О.Турсунмуратов, Н.Қутлимуратов, Д.Бекчанов, М.Мухамедиев</b> Вермикулит асосида олинган ионитнинг физик-кимёвий хоссалари.....	213
<b>Х.Лутфуллаева</b> Тиббиёт талабалари инглиз тилини ўрганиш жараёнида мустақил таълим олиш кўникмалари бошланғич даражасининг экспериментал тадқиқоти.....	217
<b>И.Асқаров, Д.Ҳожиматова</b> Таркибида ферроцен сақловчи суюқ азотли ўғитлар олиш.....	222
<b>А.Шарафиддинов</b> Фарғона водийси қишлоқларида халқ ғалаёнлари (XIX аср охири) .....	226
<b>А.Ғаниев</b> Тадбиркорлик маданиятининг ўзига хос ментал хусусиятлари.....	230
<b>Х.Мухаммедова</b> Шарлотта Бронте ижодида рамзлар тасвири.....	233
<b>Х.Хаитов</b> Фолчи ёки ромчи – кулги асарлардаги ҳажвий қиёфалардан бири.....	236
<b>Г.Умаржонова</b> Тилларда соматик сўзлар иштирокидаги фразеологизмларнинг шаклланиши.....	239
<b>Л.Ғалимуллина</b> Инглиз ва ўзбек тилларида антропонимли фразеологик birlikларнинг қиёсий таҳлили.....	242
<b>И.Аҳмаджонов</b> Морфемик birlikларнинг вазифасига кўра таснифланиши.....	245
<b>М.Саидакбарова</b> Мангуликка дахлдор сўз.....	249
<b>Д.Қаландарова</b> Карл Райхл – ўзбек фольклори таржимони ва тадқиқотчиси.....	252
<b>И.Жўраев</b> Бурч ва масъулиятнинг бадий-фалсафий талқинлари.....	256
<b>Ф.Анварова, Н.Тоирова</b> Жамиятнинг турли табақалари нутқида ишлатиладиган жаргонлар .....	259

УДК: 338.3(575.1)

## ТАДБИРКОРЛИК МАДАНИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС МЕНТАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

## ОТЛИЧИТЕЛЬНЫЕ МЕНТАЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ КУЛЬТУРЫ

## THE DISTINCTIVE MENTAL FEATURES OF OUR ENTREPRENEURIAL CULTURE

Ғаниев Алишербек Баходиржон ўғли<sup>1</sup><sup>1</sup>Ғаниев Алишербек Баходиржон ўғли

- Фарғона давлат университети ижтимоий иш ўналиши талабаси.

**Аннотация**

Мақолада тадбиркорлик маданиятининг тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти, ўзига хос хусусиятлари, шаклланиши ва такомиллашуви илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Тадбиркорлик маданиятининг ижтимоий, иқтисодий, маданий ва ҳуқуқий асосларининг шаклланишида миллий анъаналаримиз, урф-одатларимиз ҳамда умминсоний қадриятларнинг ўзаро алоқадорлиги, миллий меросимизнинг аҳамиятини ижтимоий-маданий жиҳатдан таҳлил қилишга ҳаракат қилинган.

**Аннотация**

В статье проанализировано понятие предпринимательской культуры, его содержание и сущность, формирование и совершенствование ее специфических черт с научно-теоретической точки зрения. При формировании социально-экономических, культурных и правовых основ предпринимательской культуры. Предпринята попытка проанализировать с социокультурной точки зрения значение наших национальных традиций, обычаев, а также взаимосвязь общечеловеческих ценностей, национального наследия.

**Annotation**

This article analyzes the concept of entrepreneurial culture, its content and essence, the formation and improvement of its specific features from a scientific and theoretical point of view. When forming the socio-economic, cultural and legal foundations of entrepreneurial culture, an attempt was made to analyze the significance of our national traditions and customs, as well as the relationship of universal values and national heritage from a socio-cultural point of view.

**Таянч сўз ва иборалар:** тадбиркорлик маданияти, аксиология, миллий қадриятлар, умминсоний қадриятлар, анъана, одатлар, мерос.

**Ключевые слова и выражения:** предпринимательская культура, аксиология, национальные ценности, общечеловеческие ценности, традиция, обычаи, наследие.

**Key words and expressions:** entrepreneurial culture, axiology, national values, universal values, tradition, habits, heritage.

Тадбиркор муайян жамоа, ишлаб чиқариш соҳасида меҳнат-фаолият юритганлиги туфайли муайян муҳитда қарор топган ижтимоий, иқтисодий ва психологик шарт-шароитга тааллуқлидир. Шунинг учун булар миллий анъана, урф-одат, ўзбек халқига хос бўлган хусусиятларга мансуб маросим, тадбиркорлик фаолияти мазмунига тегишли бўлади.

Миллий урф-одат – бу, кишилар онгига сингиб кетган, маълум муддатда такрорланиб турувчи хатти-ҳаракат, кўпчилик томонидан қабул қилинган ҳуқуқ-атвор қоидалари, кўникмасидир. Ушбу миллий хусусият ота-боболардан қолиб келаётган ва ҳозирги замон кишиларига сингиб кетган ёки янгидан шаклланиб бораётган удум, тартиб-қоидаларда ўз

ифодасини топмоқда. Бу жараён кўпроқ ижтимоий-психологик хусусиятга эга. Кичикларнинг катталарга салом бериши, эрта тонгда кўчаларни супуриш, меҳмон келса, уларга-иззат эҳтиром кўрсатиш кабилар миллий урф-одатларнинг бевосита кўринишларидир.

Миллий анъана узоқ вақт давомида, тарихий тараққиёт жараёнида табиий ва ижтимоий талаб ҳамда эҳтиёжлар асосида вужудга келадиган, авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтадиган, кишилар маънавий ҳаётига таъсир кўрсатадиган маданий ҳодисадир. Анъана ўзига хос ижтимоий ҳодиса сифатида кишилар онгига синган (умум ёки маълум тарихий гуруҳ томонидан), қабул қилинган тартиб ва қоидалар мажмуидир.

Миллий маросим инсон ҳаётидаги муҳим ижтимоий воқеаларни ўз ичига олиб, тадбиркор маданиятининг шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Ушбу талабга мос бўлган, расмий ва руҳий кўтаринкилик вазиятида ўтказиладиган, умум қабул қилинган тартиб-қоидаларга амал қилинадиган муайян тартибдан иборатдир. Хусусан, фарзанд туғилса, исм қўйиш, суннат тўйи, никоҳ тўйи ва ҳоказолар миллий маросимларимизда тадбиркорлар бевосита иштирок этадилар. Шунингдек, ҳозирги даврда тадбиркор шахслар томонидан янги корхона очиши, фаолият бошланиши ёки маҳсулот ишлаб чиқарилиши ҳам маросим сифатида тақдим этилмоқда.

Бугунги кунда “анъана”, “одат”, “маросим” атамалари, шунингдек “тадбиркор” атамалари бир-бири билан бевосита боғлиқ бўлиб кетган. Анъаналарнинг таркибий қисми миллий одат, одатнинг таркибий қисми маросим ва тадбиркорлик тақомили сифатида намоён бўлади.

Ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида уларнинг бир-биридан кетма-кет келиб мазмун-моҳият жиҳатдан тўлдириб, айнаи бир вақтда сабаб ва оқибат тарзида келишини кузатиш мумкин. Тадбиркорлик жараёнида уларнинг ҳар бирини муносиб ўрни мавжуд. Хусусан, анъана муайян шароитда илгари амал қилиб келган тадбиркорлик (қасб-хунар) удумларини давом эттиришни тақозо қилса, ворисийлик уни такомиллаштиради. Ворисийлик: моддий, ижтимоий ва маданий тараққиёт жараёнида янгилик билан эскилик объектив боғланиш, зарурий алоқа воситаси сифатида юзага чиқади, яъни тадбиркорлик фаолияти ана шу миллий тарихимиздан мерос бўлиб ўтиб келаётган анъаналарни ворис сифатида қабул қилиб олади. Бундай уйғунлик туфайлигина тадбиркорликнинг ижобий томонларини тасаввур қилиш мумкин. Зеро, тадбиркор шахсининг ўзи ва фаолияти ижодкорлик, изланиш, янгиланиш билан ҳарактерли хусусиятга эгадир. Шунингдек, умминсоний қадриятларга содиқлик замонавий тадбиркор маънавий маданиятининг муҳим жиҳати ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида таъкидлаганидек: “Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг тили, маданияти, урф-одат ва анъаналарини

ривожлантириш, уларга яратиб берилган имконият ва шароитларни янада кенгайтириш орқали амалга оширилмоқда. Бу борадаги вазифа мустақил дунёқарашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол шахс-комил инсонни, бўлажак тадбиркорларни тарбиялашдан иборат.” [1, 5]

Тадбиркорлик маданиятини ошириш учун жамиятимиздаги трансформацион жараёнлари, бутун жаҳонда сингари, республикамиздаги содир бўлаётган барча соҳалардаги глобаллашув тобора чуқурлашиб бораётганлиги мазкур соҳани ҳам ривожланишига туртки бўлмоқда. Бундай шароитда, содир бўлаётган ижобий - сифат, туб ўзгаришлар тадбиркорларнинг ижтимоий-маданий ҳаётида, инновацион ва мавжуд муносабатларнинг ўзаро боғлиқлигида, юқори самара беришига қаратилган фаолият олиб боришда, умминсоний, миллий тамойилларга асосланган яҳлит бир ижтимоий-маданий тизим анъаналари, қонуни-қоидаларида намоён бўлишида кўришимиз мумкин. Шу билан биргаликда, тадбиркорлар фаолиятида шахсий ташаббус, асосланган таваккалчиликни мавжуд шарт-шароитлар тақозо этади. Бу жараён Ўзбекистоннинг очиқ, демократик жамият қуришдаги олиб бораётган янги ўзгаришлар(ислохотлар), яқин келажакда ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олиш учун жиддий ҳаракат бошланганлиги, бизнес, хусусан тадбиркорлар маданиятининг муайян даражада инновацион характерга эга бўлаётганлиги, ўз анъаналарига эга бўлган алоҳида ижтимоий-маданий синф сифатида мустақамланиши, мамлакат иқтисодиётининг тобора дунё хамжамияти билан муносабатлари чуқурлашаётганлиги, кенгайиб бораётганлиги билан боғлиқдир. Шунингдек, мамлакатимиз ижтимоий-маданий жиҳатдан ривожланишида, ўзига хос трансформацион жараёнлар содир бўлмоқда. Мазкур ижтимоий-маданий феномен, тадбиркорликнинг ҳамма бўғинларида, шу жумладан, тадбиркорлик маданиятининг янги, инновацион хусусиятга эга бўлган шалларида ўз аксини топмоқда. Шунинг учун ҳам тадбиркорлик муносабатларини такомиллаштиришга қаратилган янги даврга хос бўлган, инновацион муносабат(хатти-харакат)ни

шакллантириш, унинг аҳамиятини янада оширади, чунки тадбиркорлик маданиятини ёшлар дунёқарашида шакллантириш, уларнинг фаолиятларида ўз мавқеларини юқори даражага олиб чиқишига хизмат қилади, мамлакатимизда ижтимоий, иқтисодий ва маданий вазиятни яхшилайти, жамиятда баъзан учрайдиган коррупция ҳолатларига барҳам берадиган омил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатида кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни янада ривожлантиришга янада эътибор бериб, қуйидагиларни таъкидлайди: “Тадбиркорликни кенг ривожлантириш ва бу соҳа учун янги шароитлар яратишга барча имкониятларимизни сафарбар этиямиз. “Ҳар бир оила - тадбиркор” дастури доирасида ўз бизнесини бошлаётган оилаларга 5,9 триллион сўм кредитлар ажратилди. Ислохотларимиз натижасида ўтган йили 93 мингта ёки 2018 йилга нисбатан қарийб 2 баробар кўп янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди.” [2.] Шу билан биргаликда, янгидан ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектлари, жумладан оилавий бизнес аъзолари, яъни субъектлари жамиятда мавжуд бўлган, бюрократик, сансоларлик ҳолатлари, административ тўсиқларга учраш ҳолатлари мавжудлигини таъкидлаш лозим. Ушбу ҳолатлардан батомом қутилиш, уларни бартараф этиш фуқаролик жамияти ривожланиши шароитида муҳим амалий аҳамият касб этади.

Тадбиркорлар демократик ислохотлар натижасида қўлга киритилган виждон ва эътиқод эркинлигини тўғри қабул қилиб, маърифатдан “...инсонийлик, меҳр-

оқибат, ҳалоллик, яхшилик, меҳр-шафқат...” сингари ҳалқимизга азал-азалдан мансуб бўлиб келаётган инсоний фазилатларни ўзида гавдалантиришга интиломоқдалар. Инсон учун ижтимоий-иқтисодий ҳаётда тўғри йўлни танлаши, ўзи танлаган касб-ҳунарлар билан эркин шуғулланиши, ҳалол меҳнат қилишга интилишида аждодлар ўғитлари ҳам тарбиявий аҳамиятга эга. БМТ Ривожланиш дастурининг таърифига кўра, “Инсонни ривожлантириш - одамларни танлаш имкониятини кенгайтириш жараёни билан боғлиқдир. Бундай танловнинг чексиз бўлиши ва вақт ўтиши билан ўзгариб бориши муҳим аҳамиятга эгадир. Агар инсонда бундай танловга имконият бўлмаса, у бошқа имкониятлардан ҳам фойдалана олмаслиги мумкин.” [5.]

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, тадбиркорнинг илмий дунёқараши, ижтимоий қизиқишлари асосида маънавий-маърифий ишларни ташкил қилиш, фаолиятда руҳий ва моддий омиллар уйғунлигига эришиш, уни ўз куч-қудратига ишонтириш, жамоада соғлом маънавий муҳит яратиш муҳим вазифа ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тадбиркорлар орасида маънавий-маърифий ишларни ташкил қилишда эскича метод ва усуллар, воситалардан фойдаланиш қутилаётган самара бермаслиги аниқдир. Бу ўринда тадбиркор шахс ёрдамида кичик меҳнат жамоасида самарали тарбиявий фаолият олиб бориш лозим. Зеро, ҳар бир жамоада тадбиркорнинг маънавий маданияти, шахсий ахлоқ мезонлари, маърифатга муносабати, ижтимоий-маданий соҳа тамойилларига мос маънавий-маърифий муҳит шаклланишига хизмат қилади.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2019.
  2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаати. (<http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>)
  3. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш - тараққиётимизнинг муҳим омилдир // Унинг ўзи: Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш - мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Том 9. – Т.: Ўзбекистон, 2011.
  4. Туленов Ж., Туленова К. Қадриятлар фалсафаси. – Т., 1998.
  5. <http://www.undp.org> сайти маълумотларига асосан.
- Б.С.Фаниев Ўзбекистонда тадбиркорлик маданиятининг юксалтириш омиллари. – Т.: Наврўз, 2018.

(Тақризчи: М.Маматов – фалсафа фанлари доктори)